

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

Biznes Finans Mikromoliya Tashkiloti

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"Biznes Finans Mikromoliya Tashkiloti" MCHJ
	Сокращенное:	Biznes Finans Mikromoliya Tashkiloti
	Наименование биржевого тикера:	BFMT3, BFMT3V2, BFMT3V3
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8А-уй
	Почтовый адрес:	100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8А-уй
	Адрес электронной почты:	bizfin@umail.uz (mailto:bizfin@umail.uz)
	Официальный веб-сайт:	https://bizfin.uz/ (https://https://bizfin.uz/)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	внеочередное

Дата проведения собрания:	06.08.2026	
Дата составления протокола собрания:	15.08.2026	
Место проведения собрания:	100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8А-уй	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖ корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисида.	100,0	16 428 755 000	0	0	0	0
2	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖ “Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор”и ва “Эмиссия рисоласи”ни тасдиқлаш тўғрисида.	100,0	16 428 755 000	0	0	0	0
3	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖ корпоратив облигацияларини “Тошкент” РФБ листингига киритиш тўғрисида.	100,0	16 428 755 000	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

Жамиятнинг умумий қиймати 40 000 000 000 сўм бўлган номинал қиймати 100 000 сўмлик 400 000 дона корпоратив облигациялари чиқарилсин. Корпоратив облигацияларнинг жойлаштириш ва муомала шартлари қуйидагича белгилансин: Облигацияларнинг кўриниши, тури ва шакли: эгасининг номи ёзилган хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги фоизли облигациялар; Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Мазкур чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар ўртасида очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

Жойлаштириш муддати: Мазкур чиқарилишдаги облигациялар ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади. Жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига кўчирилади. Жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг охирги облигацияси жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим. Жойлаштириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар “Тошкент” Республика фонд биржасининг тегишли савдо майдончаларида битимлар тузиш орқали қонунчиликда ва савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади. Жамият томонидан чиқарилган облигацияларни жойлаштиришда андеррайтер сифатида “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамияти жалб этилади. Жойлаштириш баҳоси: Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш нархи Эмитент томонидан Андеррайтер билан биргаликда инвесторлар ўртасидаги талаб конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Битта облигациянинг ҳисобланган фоиз даромадини (ХФД) ҳисобга олмагандаги жойлаштириш нархи 100 000,00 (бир юз минг) сўмдан 110 000,00 (бир юз ўн минг) сўмгача бўлган диапазонда белгиланади. Облигациялар купон даври бошланган санага тўғри келмайдиган санада жойлаштирилган тақдирда, инвестор кўшимча равишда ҳисобланган фоиз даромадини тўлайди. Ҳисобланган фоиз даромади (ХФД) қуйидаги формула орқали ҳисобланади: $ХФД = (N * C) / 365 * (M-1)$ N – облигациянинг номинал қиймати; C – облигациянинг фоиз ставкаси: йиллик 24% (йигирма тўрт фоиз); M – оралиқ даврнинг жойлаштириш куни. Изох: Жойлаштириш нархи бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга кўпайган ҳолда ўзгаради). Облигациялар учун тўлов шартлари ва тартиби: Облигациялар учун тўлов нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) биржа қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори эмитент томонидан олинган сана ҳолатига шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида, ушбу қарор олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида реестрда қайд этилган шахсларга облигацияларнинг номинал қиймати ва уларга ҳисобланган фоизли даромадлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлаб берилади. Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори эмитент томонидан олинган санадан бошлаб, фоизли даромадлар ҳисобланиши тўхтатилади. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари: Облигацияларнинг муомаласи қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ҳисобга қўйилганидан сўнг амалга оширилади, облигациялар эмитентга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисидagi депо ҳисоб рақамига кўчирилади. Мазкур

2	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖнинг “Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор”и ва “Эмиссия рисоласи”и иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2.1. Жамият директориға Корпоратив облигациялар чиқарилишини рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш юклатилсин.
3	Жамият томонидан чиқарилган ушбу корпоратив облигациялар чиқарилиши “Тошкент” РФБнинг листингига қонунчиликда ва биржа қоидаларида белгиланган тартибда киритилсин. 3.1. Жамият директориға “Тошкент” РФБга корпоратив облигацияларни листингга киритиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш юклатилсин. Жамият директориға мазкур қарорлар ижросини таъминлаш юклатилсин.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Axmedov Baxtiyor Tursunaliyevich
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Kim Nadejda Konstantinovna
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Axmedov Baxtiyor Tursunaliyevich

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (www.bizfin.uz)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/14599>

Дата загрузки с портала: 26.09.2026

Дата подписания: 17.08.2026

BIZNES FINANS
MIKROMOLIYA TASHKILOTI
MCHJ
Direktor



AXMEDOV BAXTIYOR
TURSUNALIYEVICH